

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАР ДИНАМИКАСИ ВА АЛЛЕРГОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИ (2023–2025 ЙЙ.)

**Очилов Фархад Эшмаматович**

*Навоий давлат университети табиий фанлар ва тиббиёт факультети  
клиник фанлар кафедраси аллергология фани ўқитувчиси.*

*Узбекистан, Навоий шаҳри, 210100*

**Эшмаматов Самир Фархад ўғли**

*Тошкент давлат тиббиёт университети  
даволаш факультети 1-курс талабаси.*

**Аннотация:** *Мазкур ишда Навоий вилояти аҳолисига 2023–2024 йиллар ва 2025 йилнинг 8 ойи давомида кўрсатилган аллергология хизмати таҳлил қилинди. Бирламчи аниқланган аллергик касалликлар динамикаси, ҳудудий тақсимоти, ёш ва жинс хусусиятлари ўрганилди. Атроф-муҳит, иқлим ва саноат омилларининг касалликлар ўсишига таъсири баҳоланди. Таҳлил натижаларига асосан ҳудудга мос ривожлантириш таклифлари ишлаб чиқилди.*

**Калит сўзлар:** *аллергик касалликлар, бронхиал астма, аллергик ринит, эпидемиология, ҳудудий таҳлил, демографик кўрсаткич, профилактика.*

### КИРИШ

Аллергик касалликлар сўнгги йилларда дунё миқёсида тез ўсиб бораётган нозологиялардан бири ҳисобланади. Навоий вилояти ярим чўл ва чўл ҳудудидан иборат бўлиб, қуруқ иқлим, чанг заррачалари, саноат чиқиндилари ва аномал исиш жараёнлари аллергик патологиялар тарқалиши учун қулай шароит яратади.

Вилоятда йирик саноат корхоналари (Навоий Азот АЖ, НКМК, Қизилқум цемент, Навоий электр-кимё заводи, Учқудуқ ва Зарафшон конлари) фаолияти атмосфера ҳавосига таъсир кўрсатади. Шу боис аллергик касалликлар динамикасини илмий таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқот мақсади

Навоий вилоятида 2023–2025 йилларда аллергик касалликлар динамикасини ва аллергология хизмати фаолиятини комплекс таҳлил қилиш.

Материал ва усуллар

Таҳлил учун 2023, 2024 йиллар ва 2025 йилнинг 8 ойи давомида шаҳар ва туманларда биринчи марта аниқланган аллергик касалликлар статистикаси қўлланилди.

Ўрганилган касалликлар:

- Бронхиал астма
- Аллергик ринит
- Поллиноз

- Крапивница
- Аллергик дерматит
- Овқат аллергияси
- Инсект аллергия

Демографик ва ҳудудий таҳлил усуллари қўлланилди.

Натижалар

#### 1. Умумий динамика

Бирламчи аниқланган аллергик касалликлар сони:

- 2023 й. — 5429 нафар
- 2024 й. — 6726 нафар
- 2025 й. (8 ой) — 7329 нафар

Уч йил давомида ўсиш 35% дан ортиқни ташкил қилди. 2025 йилда 8 ойлик кўрсаткич 2024 йил йиллик кўрсаткичидан ҳам юқори бўлиб, ўсиш тенденцияси сақланмоқда.

#### 2. Нозологик таҳлил (2025 й. 8 ой)

- Аллергик ринит — 2144 ҳолат
- Аллергик дерматит — 1683 ҳолат
- Крапивница — 1452 ҳолат
- Бронхиал астма — 481 ҳолат
- Поллиноз — 592 ҳолат
- Овқат аллергияси — 800 ҳолат
- Инсект аллергия — 187 ҳолат

Энг юқори улуш аллергик ринитга тўғри келади (тахминан 29%). Бу атмосфера аллергенлари ва полен таъсири билан боғлиқ.

#### 3. Ҳудудий таҳлил

Энг юқори кўрсаткичлар:

- Навоий шаҳри: 2025 й. — 2465 ҳолат
- Кармана: 1396 ҳолат
- Кизилтепа: 950 ҳолат
- НКМК тизими: 558 ҳолат

Шаҳар аҳолисида касаллик кўрсаткичи юқори. Бу ҳаво ифлосланиши, автотранспорт ва саноат омиллари билан боғлиқ.

Қишлоқ туманларида поллиноз ва инсект аллергия нисбатан кўпроқ учрайди.

Демографик таҳлил

Ёш хусусиятлари

Навоий вилояти аҳолисининг катта қисми меҳнатга лаёқатли ва болалар ёшига тўғри келади.

- Болаларда — атопик дерматит, овқат аллергияси
- Ўсмирларда — поллиноз, аллергик ринит
- Катталарда — бронхиал астма, крапивница

Болалар контингенти юқори бўлгани сабабли педиатрик алергология хизматини кучайтириш зарур.

Жинс бўйича таҳлил

Тиббий кузатишларга кўра:

- Болаликда ўғил болаларда алергия кўпроқ
- Катта ёшда аёлларда алергик касалликлар кўпроқ

Навоий вилоятида шаҳар аҳолиси орасида аёлларда алергик ринит ва дерматит кўрсаткичи юқори бўлиши кузатилмоқда.

Алергик касалликлар ўсиш сабаблари

1. Атроф-муҳит ифлосланиши (PM2.5, PM10)
2. Иқлим ўзгариши ва чўлланиш
3. Полен мавсумининг узайиши (эрмон)
4. Нотўғри овқатланиш
5. Ирсий омиллар
6. Дори воситаларидан ҳаддан ташқари фойдаланиш
7. Стресс ва гиподинамия

Алергология хизмати фаолияти

Фаолият қуйидаги хужжатлар асосида олиб борилмоқда:

- ПҚ-3715 (2018)
- ПҚ-371 (2023)
- ССВ буйруқлари (2016, 2020)

Вилоят бош алергологи — Ш.Ж. Примов (29 йил стаж).

Аммо айрим туманларда диагностика имкониятлари чекланган.

Муҳокама

Маълумотлар алергик касалликлар йилдан-йилга ўсиб бораётганини кўрсатмоқда. 2025 йилда 8 ойлик кўрсаткич юқори динамикани намоён этди.

Бу ҳолат экологик ва иқлим омилларининг кучайиши билан боғлиқ.

Хулоса

1. 2023–2025 йилларда алергик касалликлар 35% га ошган.
2. Энг кўп тарқалган касаллик — алергик ринит.
3. Шаҳар аҳолисида касаллик юқори.
4. Болалар ва аёллар хавф гуруҳига киради.
5. Экологик омиллар асосий роль ўйнайди.

Таклиф ва тавсиялар

1. Ташкилий чоралар
  - Ҳар бир туманда алерголог лавозимини жорий этиш
  - Электрон алергологик реестр яратиш
2. Диагностика
  - Алерготест лабораториялари ташкил этиш
  - Спирометрия ва FeNO аппарати билан таъминлаш
3. Профилактика

- Полен мониторинги тизими
- Мактабларда скрининг
- Экологик назоратни кучайтириш

#### 4. Даволаш

- ASIT дастурини кенгайтириш
- Биологик терапияни босқичма-босқич жорий қилиш

#### Якуний хулоса

Навоий вилоятида аллергик касалликлар ўсиш тенденциясига эга. Экологик, иқлим ва урбанизация омиллари асосий сабаб бўлиб хизмат қилмоқда.

Аллергология хизматини модернизация қилиш ва профилактик чораларни кучайтириш орқали касалликлар ўсишини назорат қилиш мумкин.

### **Фойдаланилган асосий адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2018 йилдаги ПҚ-3715-сонли “Аллергик касалликларни профилактика қилиш, ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.11.2023 йилдаги ПҚ-371-сонли “Аллергик касалликларни олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

3. Global Initiative for Asthma (GINA). Global Strategy for Asthma Management and Prevention. 2024–2025.

4. Bousquet J., et al. Allergic Rhinitis and its Impact on Asthma (ARIA) Guidelines. *Allergy*. 2008;63(Suppl 86):8–160.

5. World Allergy Organization (WAO). White Book on Allergy. 2022 update.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика агентлиги. Навоий вилояти демографик ва соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари, 2023–2025 йй.